

НАЗАРОВ ИСМОИЛ РУСТАМОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БЕМОРЛАРДА ОЁҚЛАРНИНГ ЙИРИНГЛИ-
НЕКРОТИК ХАСТАЛИКЛАРИ ЖАРРОҲЛИГИДА МОЛЕКУЛЯР-
ГЕНЕТИК МЕЗОНЛАРНИНГ АХАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Назаров Исмоил Рустамович

Қандли диабетли беморларда оёқларнинг йирингли-некротик
хасталиклари жарроҳлигида молекуляр-генетик мезонларнинг
ахамиятини баҳолаш 3

Назаров Исмоил Рустамович

Оценка значения молекулярно-генетических критериев в хирургии
гнойно-некротических поражений нижних конечностей у больных
сахарным диабетом 29

Nazarov Ismoil Rustamovich

Assessment of the significance of molecular genetic criteria in the surgery of
purulent-necrotic lesions of the lower extremities in patients with diabetes
mellitus 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВ ИСМОИЛ РУСТАМОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БЕМОРЛАРДА ОЁҚЛАРНИНГ
ЙИРИНГЛИ-НЕКРОТИК ХАСТАЛИКЛАРИ ЖАРРОҲЛИГИДА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК МЕЗОНЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib4984 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусашайхов Хусанбой Таджибаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ходжиматов Ғуломидин Минходжиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Охунов Алишер Орипович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси 1-уй. Тел/факс: (+99878) 223-94-50, e-mail: info@adti.uz)

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси 1-уй. Тел/факс: (+99878) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қандли диабетнинг 2-тури (ҚД2) билан касалланган беморларда ривожланадиган оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари (ОЙНХ) бутун дунё миқёсида жарроҳлик амалиётларини талаб қиладиган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. ҚД2 билан хасталанганларнинг тахминан 25 фоизда ОЙНХ ривожланиб, бу кўпинча жарроҳлик аралашувини ва, афсуски, кўп ҳолатларда оёқларнинг турли даражадаги ампутацияларига сабаб бўлади. ҚД2 да ОЙНХ ни даволашдаги сезиларли ютуқларга қарамай, юқори ампутациялар фоизи ҳамон юқорилигича қолмоқда. Юқори ампутацияларни амалга ошириш операцияларидан кейинги ўлим даражаси 6% дан 22% гача бўлиб, сезиларли даражада юқорилигича қолмоқда. Хусусан, сон соҳасида ампутация қилинган беморларнинг 10-40 фоизи, болдир соҳасидан ампутация бўлганларнинг эса 5-20 фоизи яқин муддатлар ичида вафот этади. Юқори ампутациялардан кейин 3 йил ичида 40-57%, 5 йилга келиб эса 50-75% беморлар ҳаётдан кўз юмади. Тахминан 85% ҳолларда бундай операцияларни ОЙНХ ривожланиши хавфини ва клиник кечишини эрта башоратлаш ҳамда ушбу патологияни тўғри даволаш орқали олдини олиш мумкин. Шунинг учун ҚД2 билан хасталанган беморларда ОЙНХни ривожланиш хавф омилларини ва касалликни қандай клиник кечишини эрта ва ишончли башоратлаш замонавий жарроҳлик амалиётининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида сўнгги йилларда ҚД2 билан оғриган беморларда ОЙНХ ривожланиш хавфини ва клиник кечишини эрта башоратлаш усуллари тақомиллаштириш, шунингдек, даволаш самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. ҚД2 да ОЙНХ келиб чиқиши ва уларнинг даволаш муаммоси ҳозиргача тўлиқ ўз ечимини топмаган, замонавий тиббиётнинг ютуқларига қарамай, назарий ва амалий жиҳатдан ечимини кутаётган кўплаб саволлар мавжуд ва бу масала бахс мунозалар учун очик қолмоқда. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҚД2 билан оғриган беморларда ОЙНХ ривожланиш частотаси сўнгги йилларда 5 баравардан кўпроққа ошган, бироқ унинг ривожланиш патогенези ва клиник кечишининг турли хил вариантларининг сабаблари ҳали тўлиқ аниқланмаган. Бундан ташқари, ушбу тоифадаги беморларни даволаш ҳар доим ҳам сезиларли даражада самара бермайди ва мавжуд адабиётларда ҚД2 асоратларининг ривожланиш хавфини башорат қилиш, йирингли-некротик асоратлар ривожланишининг этиопатогенезини тушуниш бўйича ягона ёндашувлар тавсифи йўқ. Диабетнинг қон томир асоратларининг ривожланиши учун ҳам ташқи (сурункали гипергликемия), ҳам ички (генетик) омилларнинг мавжудлиги зарур деб ҳисоблаш мумкин. Оёқларда деструктив жараёнларнинг шаклланиши ва кечишига генетик мойилликнинг эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, организмдаги генетик бузилишларни ўрганиш ОЙНХ ривожланиш хавфини ва клиник кечишини ўз вақтида

башорат қилиш, ҚД2 билан оғриган беморларда юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олишда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, тиббиётни халқаро андозалар талабларига мувофиқлаштириш, шу йўналишда молекуляр-генетик тадқиқотларни кенгайтириш орқали ҚД2 билан хасталанган беморларда ОЙНХни ривожланишини олдини олиш ва даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган¹. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, оғир асоратлар ривожланишини олдини олиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш мақсадида, жумладан, ҚД2 билан оғриган беморларда ОЙНХни профилактикаси усуллариини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун жаҳонда кенг миқёсида ҚД2 билан хасталанган беморларда йирингли-некротик жараёнларни ривожланиш хавфини оширувчи омиллар ва ушбу касалликнинг клиник кечишини ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Олиб борилаётган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сурункали гипергликемия ва генетик омиллар тўқималарнинг йирингли-некротик шикастланишида муҳим рол ўйнайди. Бу ўзгаришларнинг ривожланиш механизмларини мукамал тушуниш ҚД2 билан касалланган беморларда йирингли асоратларнинг олдини олиш ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

уларни даволашнинг янги ва самарали усуллари ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эга.

Бутун дунё олимлари томонидан 2-тур ҚД билан касалланган беморларда йирингли-некротик жараёнлар ривожланиш сабабларини эрта аниқлаш ва уларни олдини олиш бўйича олиб борилаётган кўплаб илмий тадқиқотлар беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган. Жумладан, Go'k Ü ва бошқ., (2016) ўз тадқиқотларида ҚД2 турида оёқларнинг юкори ампутацияси бўлган беморларнинг яшовчанлигини баҳолашган. Supilnikov E.V. ва бошқ., (2021) диабетик товон синдроми бўлган беморларда жароҳат жараёнини ташхислаш ва даволаш тамойилларини ўрганган. Celly A.A. ва бошқ., (2022) томонидан олиб борилган тадқиқотларда оёқ артериялари доплерографиясининг диабетик оёқ панжасини даволашга қўшган ҳиссаси ўрганилган. Xu S.M ва бошқ., (2023) оёқ панжасининг диабетик гангренасини даволаш учун периферик қоннинг ўзак ҳужайралари аутотрансплантациясини қўллаш бўйича клиник кузатув олиб боришган. Лекин, олиб борилаётган тадқиқотларга қарамасдан, ҳозиргача бу касалликлар ривожланишида айрим бир генетик маркерларнинг роли ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас.

Ўзбекистонда ҚД2 билан оғриган беморларда йирингли-некротик жараёнлар ривожланиши муаммоси бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган. ҚД фонида юмшоқ тўқималарнинг йирингли яллиғланиш касаллигининг клиник кечиш хусусиятлари кўрсатилган (Охунов А.О., ва бошқ., 2018). ҚД2 турида оёқ панжасининг йирингли-некротик шикастланишларини даволашда комплекс ёндашув кўрсатилган (Камалов Т.Т. ва бошқ., 2018). ҚД2 тури фонида оёқлар гангренада болдир суяклари резекциясининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг операция натижаларига таъсири кўрсатилган (Бабаджанов Б.Д., ва бошқ., 2019). Йирингли-некротик хасталиклар билан асоратланган диабетик товон синдроми даволаш ёндашувлари ўрганилган (Абдуллоев Д.А. ва бошқ., 2020). Диабетик панжа синдромида реконструктив операцияларни бажариш тамойиллари ўрганилган (Матмуротов К.Ж. ва бошқ., 2023). ҚД2 тури билан оғриган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик жараёнларини даволашнинг янги усули такомиллаштирилган (Жураев Г.Г., ва бошқ., 2023). ҚД2 тури билан оғриган беморларда оёқ юмшоқ тўқималарининг йирингли-некротик шикастланишларини комплекс даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижалари кўрсатилган (Касимов А.Л. ва бошқ., 2024).

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур тадқиқотлар давомида ҚД2 тури билан хасталанган беморларда ОЙНХ ривожланишида молекуляр-генетик полиморфизмларнинг аҳамияти ўрганилмаган. Бу эса муайян генетик маркерлар ва бундай асоратларнинг юзага келиш эҳтимоллиги ўртасидаги потенциал алоқадорликни аниқлаш учун қўшимча изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ушбу йўналишда кенг қўламли клиник ва молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бу тадқиқотлар аҳолида ҚД2 тури билан боғлиқ йирингли-некротик хасталикларнинг ривожланиш сабабларини чуқурроқ

ўрганиш, ирсий хавф омилларини аниқлаш, шунингдек, касаллик ривожланишини олдини олиш ва даволашда индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқишга кенг имкониятлар яратиб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.07.0069-сон «Одамда жаррохлик касалликларини ташхислаш ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзуси доирасида бажарилган (2021-2024 й.).

Тадқиқотнинг мақсади қандли диабетнинг 2-тури билан хасталанган беморларда оёқ тўқималарида йирингли-некротик хасталикларни ривожланишида молекуляр-генетик хавф омилларини ролини ҳисобга олган ҳолда бундай асоратларни олдини олиш ва уларни комплекс даволашга ёндашувларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қандли диабетнинг 2-тури мавжуд беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини ривожланиши асосий сабабларини, клиник кечиши ва лаборатор-биокимёвий ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

оёқларнинг йирингли-некротик жароҳатланиши бўлган қандли диабетнинг 2-тури мавжуд беморларда липидлар алмашинувини белгиловчи ген (PPARG2) ва супероксиддисмутаза 2 (SOD2) ген-детерминатларининг турли генотипик вариантларининг учраш частотаси ҳамда прогностик аҳамиятини баҳолаш;

қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда оёқ тўқималарининг йирингли-некротик зарарланишлари патогенезида ксенобиотиклар биотрансформацияси (GSTM1) ва эндотелиал азот синтазаси (NOS) генетик локусларининг касалликни ривожланишидаги роли ва аҳамиятини ўрганиш;

қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари ривожланишининг хавф омилларини ва клиник кечишини башорат қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш ва прогностик мезонларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тадқиқотга жалб этилган 201 нафар шахс олинган. Кузатув жараёнида жалб этилган 103 нафар асосий гуруҳ беморлардан тавсия этилган клиник таснифидаги маълумотларга таянган ҳолда 2 та кичик гуруҳ шакллантирилган: 1 гуруҳ – 58 нафар ҚД2 ва оёқларда йирингли-некротик хасталиклари мавжуд беморлар; 2-гуруҳ- 45 нафар ҚД2 мавжуд, аммо оёқларда йирингли-некротик хасталиклари бўлмаган беморлар. Таққослаш гуруҳини эса 98 нафар шартли-соғлом шахслар ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети умумий клиник тадқиқотлар, шунингдек, молекуляр-генетик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

NOS3 гени C-786T полиморфизмининг нохуш C/C генотиби ҳамда гетерозигот C/T генотиби қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиklarини ривожланишига ва салбий кечишига таъсир қилиши, аксинча, ёввойи гомозигот T/T генотиби эса ушбу беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиklarини ривожланишига нисбатан протектив таъсир кўрсатиши аниқланган;

PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизмининг нохуш Ala/Ala генотиби учраганда қандли диабетнинг 2-тури мавжуд беморлар гуруҳида оёқларнинг йирингли-некротик хасталиklarини ривожланиш хавфи 7,2 марта ишончли ортиши исботланган;

GSTM1 генидаги бузилишлар қандли диабетнинг 2-тури мавжуд беморлар гуруҳида оёқларнинг йирингли-некротик хасталиklarини ривожланиши учун ноқулай прогностик хавф омилларидан бири эканлиги асосланган;

GSTM1 генетик маркерининг делецияси, NOS3 (C-786T) ва PPARG2 (Pro12Ala) полиморф маркерларининг нохуш генотиплари оператив даво ўтказилган беморлар гуруҳида консерватив даво муолажаси ўтказилган беморларга қараганда кўпроқ аниқланган ҳамда қандли диабетнинг 2-тури бор беморларда йирингли-некротик жараёнларнинг ривожланишини хавф омили ва жадал кечишининг аниқ прогностик маркерлари бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қандли диабетнинг 2-тури бор беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиklари ривожланишида SOD2 гени (T58C, T60S ва Ala16Val) полиморф локусларининг аҳамияти йўқлиги аниқланган;

NOS3 гени C-786T генетик маркери ва қандли диабетнинг 2-тури мавжуд беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиklarини ривожланиши ўртасидаги аниқланган муносабатлар ушбу беморларда асоратларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш имконини берган;

қандли диабетнинг 2-тури мавжуд беморларда PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизмининг кўрсаткичлари асосида касалликни зўрайиши ва оёқларнинг йирингли-некротик хасталиklари ривожланиши предикторлари аниқланган;

қандли диабетнинг 2-тури билан касалланган беморларда GSTM1 генетик маркерининг делецияси, NOS3 (C-786T) ва PPARG2 (Pro12Ala) полиморф маркерларининг нохуш генотипларини инобатга олган ҳолда касаллик кечишини эрта прогнослаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган замонавий назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, клиник материаллар ва кузатувлар сонининг етарлиги,

тадқиқотда фойдаланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, молекуляр-генетик ва статистик усуллар қўлланилгани, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини ривожланишига ва кечишига таъсир қилувчи турли специфик генларнинг полиморфизмига, шунингдек, ушбу беморларда йирингли-некротик хасталикларни ривожланишининг генетик прогностик хавф омиллари ҳамда кечишининг прогностик маркерларига оид мавжуд тушунчаларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар қандли диабетнинг 2-тури билан касалланган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари ривожланишига ирсий мойилликни эрта аниқлаш, унинг клиник кечишини башорат қилиш ҳамда даволаш ва профилактика чораларини эрта ва янада самарали амалга оширишга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қандли диабетнинг 2-тури бўлган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари жарроҳлигида молекуляр-генетик мезонларнинг аҳамиятини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: NOS3 гени С-786Т полиморфизмининг нохуш С/С генотиби ҳамда гетерозигот С/Т генотиби ҚД2 тури билан оғриган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини ривожланишига ва салбий кечишига таъсир қилиши, аксинча, ёввойи гомозигот Т/Т генотиби эса ушбу беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини ривожланишига нисбатан протектив таъсир кўрсатиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда 61-4ч-сон билан тасдиқланган «Қандли диабетли беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари ривожланишининг молекуляр-генетик хавф омиллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти Давлатобод тумани марказий шифохонаси бўйича 2025-йил 3-февралдаги 42-сон ҳамда Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 27-февралдаги 47-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/04-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: амалий соғлиқни сақлашда молекуляр-генетик тадқиқотлардан фойдаланиш ва NOS3 генининг С-786Т полиморфизмини ҚД2 тури бор беморларда ўрганиш йирингли-некротик жараёни ривожланиш хавфини ва клиник кечишини ўз вақтида аниқлаш орқали даволаш тактикасини тўғри танлаш ҳамда юқори оёқ ампутацияларини олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ҚД2 тури бор

беморларда ОЙНХ ривожланиш хавфини эрта аниқлаш учун қўшимча лаборатор-инструментал текширувлар ўтказишга зарурият қолмайди. Бу эса, ўз навбатида, қўшимча текширувларга кетадиган вақт ва моддий харажатларни тежаш имконини беради. Хулоса: Молекуляр генетик тадқиқотлар ёрдамида қандли диабет 2-турида йирингли некротик шикастланишларни ривожланиши ва қандай кечишини башорат қилиш усулини ўз вақтида қўллаш ҳар бир беморга 480000 сўм бюджет маблағларини ва 215000 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизмининг нохуш Ala/Ala генотипи учраганда ҚД2 тури мавжуд беморлар гуруҳида оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини ривожланиш хавфи 7,2 марта ишончли ортиши исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда 61-4-сон билан тасдиқланган «Қандли диабетли беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари ривожланишининг молекуляр-генетик хавф омиллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти Давлатобод тумани марказий шифохонаси бўйича 2025-йил 3-февралдаги 42-сон ҳамда Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 27-февралдаги 47-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/04-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизмининг текшириш орқали касалликни бошланғич босқичларда аниқлаш ва унинг асоратларни олдини олиш имконига эришилган. Натижада, беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланади, шунингдек, ўз вақтида даволаш орқали касалликдан кейинги узок муддатли ногиронлик ҳоллари камаяди, бу эса беморларга ва давлатга ижтимоий-иқтисодий юкни камайтиради. Иқтисодий самарадорлиги: PPARG2 генидаги Pro12Ala полиморфизмининг мутант Ala/Ala гомозигот генотипи нокулай генотипларини ўз вақтида ўрганиш ҚД2 турида йирингли-некротик жараёнлар ривожланиши учун хавф омилларини эрта аниқлаш, зарур профилактика чораларини кўриш ва даволанишни индивидуал даражада тузиш туфайли беморлар ва давлат учун катта иқтисодий самара беради ва бунинг натижасида беморларда йирингли-некротик жараённи кайталанишини эрта баҳолаш, жароҳатни битишини енгилаштиришга, беморларда қайта бармоқлар экзартикуляцияси ва оёқ ампутацияларини камайтиришга сабаб бўлиш ва олдини олиш имконини беради. Хулоса: PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизмининг текширишни амалиётга тадбиқ этиш натижасида беморларнинг стационар шароитида даволаниш даври қисқарган ва шунинг натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 540000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 700000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: GSTM1 генидаги бузилишлар ҚД2 тури мавжуд беморлар гуруҳида оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини

ривожланиши учун ноқулай прогностик хавф омилларидан бири эканлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда 61-4у-сон билан тасдиқланган «Қандли диабетли беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари ривожланишининг молекуляр-генетик хавф омиллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти Давлатобод тумани марказий шифохонаси бўйича 2025-йил 3-февралдаги 42-сон ҳамда Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 27-февралдаги 47-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/04-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: GSTM1 генидаги мутацияларни ўрганиш ҚД2 тури бор беморларда ОЙНХ ривожланиши билан боғлиқ хавф омилларини эрта аниқлаш, уларни эрта бартараф этиш орқали профилактика чораларини самарадорлигини ошириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: касалликнинг асоратланган шакллари олдани олиш орқали оғир даволаш харажатлари камаяди. Ҳар бир беморнинг мураккаб жарроҳлик операцияси нархи ўртача 3-4 млн сўмни ташкил этса, эрта башоратлаш орқали ушбу беморларнинг жароҳатларини битишини ва қайталанишини назорат қилиш, касалликнинг оғирлашишини олдани олиш, ётоқ кунлари сонини камайтириш орқали ҳар бир бемор учун 2-3 млн сўм иқтисод қилинади. Хулоса: Ушбу беморларда касалликни асоратларини ривожланишини эрта башорат қилиш жарроҳлик амалиёти эҳтимолини ва юқори оёқ ампутацияларини сезиларли камайтиради, бу эса даволаш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада қисқартиришга олиб келган;

тўртинчи илмий янгилик: GSTM1 генетик маркерининг делецияси, NOS3 (C-786T) ва PPARG2 (Pro12Ala) полиморф маркерларининг нохуш генотиплари оператив даво ўтказган беморлар гуруҳида консерватив даво муолажасини ўтказган беморларга қараганда кўпроқ аниқланган ҳамда ҚД2 мавжуд беморларда йирингли-некротик жараёнларнинг ривожланиши жадаллигининг аниқ прогностик маркерлари бўлиб хизмат қилиши асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда 61-4у-сон билан тасдиқланган «Қандли диабетли беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари ривожланишининг молекуляр-генетик хавф омиллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти Давлатобод тумани марказий шифохонаси бўйича 2025-йил 3-февралдаги 42-сон ҳамда Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 27-февралдаги 47-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/04-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ҚД2 мавжуд беморларда оёқларнинг йирингли-некротик жараёнлар ривожланишининг ирсий мойиллигини ҳисобга олган ҳолда молекуляр-генетик тадқиқотларни қўллаш, амалиётда ушбу касалликнинг асоратларини қайталаниши, қайта ташрих ўтказиш

сонининг камайиши, юкори оёқ ампутацияларини олдини олиш ва жарохатларни тезроқ битишини эрта башорат қилиш ва профилактика чораларининг самарадорлигини ошириш орқали ушбу беморларда оёқларда йирингли некротик асоратланишларини ва унинг ривожланишини олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: молекуляр-генетик тадқиқотлардан фойдаланиш орқали ҚД2 мавжуд беморларда оёқларда йирингли-некротик жараёнлар ривожланиш хавфини ва клиник кечишини эрта башорат қилиш, ихтисослаштирилган муассасаларда ушбу касалликнинг диагностикаси, мониторинги ва даволашга сарфланадиган маблағларни сезиларли даражада камайитириш имконини беради. Хулоса: молекуляр-генетик текширувлар орқали қандли диабетнинг 2-тури мавжуд беморларда юкори оёқ ампутацияларини камайитириш натижасида 1 нафар бемордан бюджет маблағларини 6550000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 7150000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Қандли диабетда оёқлардаги йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш муаммоларининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил шарҳлари келтирилган. Қандли диабет 2 тури мавжуд беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари ривожланиши патогенези таҳлил қилинган, ушбу хасталик ривожланишининг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик механизмлари тўғрисида замонавий қарашлар баён қилинган ҳамда ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ушбу тадқиқотда фойдаланилган тадқиқот материаллари ва

усулларининг тавсифи келтирилган. Илмий изланишимизни олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун жами 201 нафар шахс тадқиқотга жалб этилди. Қандли диабет 2 тури (ҚД2) ва оёқлар йирингли-некротик ҳасталикларининг (ОЙНХ) диагностикаси ҳозирда қабул қилинган клиник тавсияларга мувофиқ амалга оширилди. Кузатув жараёнида жалб этилган 103 нафар асосий гуруҳ беморларидан тавсия этилган клиник таснифидаги маълумотларга таянган ҳолда 2 та кичик гуруҳ шакллантирилди: 1 гуруҳ – 58 нафар ҚД2 тури ва оёқларда йирингли-некротик ҳасталиклари мавжуд беморлар; 2-гуруҳ- 45 нафар ҚД2 тури мавжуд, аммо оёқларда йирингли-некротик ҳасталиклари бўлмаган беморлар. Беморларнинг 83.5%да яқин қариндошлари ва авлодида ҚД2 билан оғриганлар бўлди. Таққослаш гуруҳини эса 98 нафар шартли-соғлом шахслар ташкил этди.

Назорат намунаси учун материал сифатида мустақил равишда ажратилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг ДНК банкида сақланадиган геномик ДНК препаратлари ишлатилган.

Асосий ва назорат гуруҳларидаги барча тадқиқотлар 18 ёшдан катта бўлган беморларда ва беморнинг тадқиқотга розилигини олган ҳолда амалга оширилди.

1-жадвалда кўрсатилганидек, тадқиқотнинг асосий гуруҳига кирган 103 беморнинг 62 нафари (60.2%) эркак, 41 нафари (39.8%) эса аёллардан иборат.

1 – жадвал.

Ўрганилаётган беморларнинг жинсга оид хусусиятлари.

Жинс	Асосий гуруҳ беморлари (n=103)		ҚД2 ОЙНХ билан (n=58)		ҚД2 ОЙНХ сиз (n=45)	
	n	%	n	%	n	%
Эркак	62	60.2	41	70.7	21	46.7
Аёл	41	39.8	17	29.3	24	53.3

Асосий гуруҳдаги беморларнинг ёш медианаси 60.3 ± 1.0 ёшни ташкил этган бўлиб, бу катта ёшлилар категориясининг устунлигини кўрсатади. Солиштириш учун, «шартли равишда соғлом» шахслардан иборат назорат гуруҳи иштирокчиларининг ўртача ёши 58.3 ± 3.9 ёш бўлган.

Ёши ва жинсий таркибга кўра ўрганилаётган ва назорат гуруҳлари бирига яқин.

Бизнинг ишимиз давомида ҚД2 тури ва оёқлар йирингли-некротик ҳасталикларини диагностика стандартлари, инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Биринчи босқичда барча беморлар умумий клиник текширувдан ўтдилар. У тана вазнини ўлчаш, тана вазни индексини (ТВИ) ҳисоблашдан иборат бўлди.

Ишнинг иккинчи босқичида барча ҚД2 тури мавжуд бўлган беморларда оёқлар йирингли-некротик ҳасталиклари ривожланишининг хавф омилларини ўрганиш учун лаборатор-инструментал диагностика усуллари

ўтказилди, шу жумладан, бу липид спектрини, қонда глюкоза даражасини, шунингдек гемостаз тизими ҳолатини аниқлашдан иборат бўлди.

Ушбу ишнинг учинчи босқичида ҚД2 тури мавжуд бўлган беморларда оёқлар йирингли-некротик ҳасталиклари ривожланиши билан боғлиқ энг муҳим генетик ДНК полиморфизмларининг (липид метаболизмининг бузилиши билан боғлиқ PPARG2 генининг Pro12Ala полиморфизми, SOD2 (супероксиддисмутаза 2) генетик маркерининг T58C, T60C, Ala16Val полиморф локуслари, ксенобиотиклар трансформацияси билан боғлиқ GSTM1 генининг Ins/Del полиморфизми ва NOS3 (C-786T) аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частоталари ўрганилди. Оёқларда йирингли-некротик ҳасталиклари ривожланишида ушбу полиморф маркерларнинг роли ва аҳамияти баҳоланди.

Молекуляр-генетик текширувлар Ўзбекистон Республикаси ССВ РИГИАМ нинг молекуляр тиббиёт ва хужайравий технологиялар ҳамда тиббий генетика лабораторияси бўлимларида олиб борилди. Тадқиқ қилинаётган генларнинг мутациялари ва полиморфизмларининг учраш таксимоти таҳлили «case-control» (ҳолат-назорат, икки намунани таққослаш) шакли туридаги моделдан фойдаланиш орқали амалга оширилди. ПЗР (полимераз занжирли реакция) таҳлиллари Applied Biosystems 2720 (АҚШ) и CG1-96 («Corbett Research» QUAGEN Германия) ва Rotor Gene Q (QUAGEN Германия) термоциклерлари ёрдамида амплификация дастурларига мувофиқ амалга оширилди. Беморлардан қон олишда ЭДТА си бор Vacutainer Becton Dickinson International (АҚШ) стандарт вакуум-пробиркаларидан фойдаланилди.

Олинган тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Stat Soft Statistica 10.0 (АҚШ) стандарт дастур тўплами ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Қандли диабетда оёқларнинг йирингли-некротик жараёнлари кечишининг хусусиятларини ва диабетик оёқ синдроми ривожланишининг хавф омилларини баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида шифохонага ётқизилган беморларда асосий клиник-лаборатор кўрсаткичларни ўрганиш натижаларига баҳо берилган.

Ушбу беморларда умумий қон таҳлили текширув натижаларининг таққосий таҳлили, лейкоцитлар сонининг ҚД2 тури ОЙНХ билан ҳасталанган беморлар гуруҳида ҚД2 тури мавжуд, лекин ОЙНХ кузатилмаган беморлар гуруҳига нисбатан 1.5 бараварга юқори эканлигини кўрсатди ва гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик ишончли қийматларга етиб борди ($9.6 \pm 0.5 \cdot 10^9/\text{л}$ қарши $6.4 \pm 0.3 \cdot 10^9/\text{л}$; $p < 0.001$). Шу билан бирга, ҚД2 тури мавжуд, лекин ОЙНХ кузатилмаган беморлар гуруҳига нисбатан, ҚД2 тури ОЙНХ билан ҳасталанган беморларда эритроцитлар чўкиш тезлиги, яъни ЭЧТ – 3.6 (33.0 ± 2.5 мм/соат қарши 9.2 ± 0.5 мм/соат; $p < 0.001$) баравар фаоллашиши кузатилди. Фибриноген даражасини баҳолаш натижаси ҚД2 тури ва ОЙНХ бўлган ва ОЙНХ кузатилмаган ҚД2 тури мавжуд беморлар ўртасида ишончли фарқни кўрсатди ($p < 0.001$) (2-жадвал). Фибриногеннинг ўртача қийматлари қуйидагича бўлди: ҚД2 ва ОЙНХ мавжуд беморларда – 5.9 ± 0.1 г/л, ҚД2 бор, аммо ОЙНХ бўлмаган гуруҳда эса бу кўрсаткич ўртача 5.3 ± 0.2 г/л ни ташкил қилди.

Кейинги босқичда беморлар гуруҳлари ўртасида протробин индекси (ПТИ) даражасини баҳолаш бўйича таҳлил ўтказилди. ҚД2 тури ва ОЙНХ бўлган беморлар гуруҳида ПТИ даражаси ҚД2 тури ва ОЙНХ сиз бўлган беморлар гуруҳидан ишончли даражада юқори эканлиги аниқланди ($p<0.001$). 1-гуруҳдаги беморларда ПТИ даражаси ҚД2 тури ва ОЙНХ сиз бўлган беморларга нисбатан 1.4 баробар юқори бўлди ($100.7\pm1.4\%$ қарши $96.4\pm1.3\%$; $p<0.001$) (2-жадвал).

2-жадвал.

Текширилган беморларда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари.

Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари	Текширилган беморлар гуруҳи		
	Асосий гуруҳ беморлари (n=103)	ҚД2 тури ОЙНХ билан (n=58)	ҚД2 тури ОЙНХ сиз (n=45)
Фибриноген, г/л	5.7 ± 0.1	$5.9 \pm 0.1^{**}$	5.3 ± 0.2
ПТИ, %	98.8 ± 0.96	$100.7 \pm 1.4^{**}$	96.4 ± 1.3
Фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти, сек.	27.3 ± 0.4	27.5 ± 0.7	26.9 ± 0.4
МНО	1.1 ± 0.1	0.97 ± 0.02	1.19 ± 0.2
С-реактив оқсил, мг/л	28.5 ± 3.5	$46.9 \pm 5.1^*$	4.7 ± 0.6
Мочевина, ммоль/л	7.7 ± 0.4	$9.4 \pm 0.6^*$	5.5 ± 0.2
Креатинин, ммоль/л	119.9 ± 9.3	$158.3 \pm 14.5^*$	70.4 ± 2.6
АЛТ, ммоль/л	0.42 ± 0.03	$0.6 \pm 0.04^*$	0.2 ± 0.01
АСТ, ммоль/л	0.3 ± 0.01	$0.33 \pm 0.02^*$	0.2 ± 0.01
Умумий оқсил, г/л	63.5 ± 0.5	$60.7 \pm 0.7^*$	67.0 ± 0.3
Нахорги қондаги қанд микдори, ммоль/л	13.1 ± 0.5	$14.2 \pm 0.7^*$	11.7 ± 0.5
Гликирланган гемоглобин, %	10.2 ± 0.7	11.2 ± 1.3	9.0 ± 0.3
Умумий холестерин, ммоль/л	5.4 ± 0.1	$5.9 \pm 0.1^*$	4.8 ± 0.2
Триглицеридлар, ммоль/л	1.9 ± 0.03	$2.1 \pm 0.04^*$	1.65 ± 0.03
ЮЗЛП, ммоль/л	1.1 ± 0.04	$0.8 \pm 0.02^*$	1.5 ± 0.07
ПЗЛП, ммоль/л	3.6 ± 0.7	$3.7 \pm 0.1^{**}$	3.3 ± 0.1
АК, у.е	4.8 ± 0.2	$6.6\pm0.2^*$	2.5 ± 0.2

Изоҳ: * – ҚД2 тури ОЙНХ билан ва ҚД2 тури ОЙНХ сиз беморлар гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги $p<0.001$. ** – ҚД2 тури ОЙНХ билан ва ҚД2 тури ОЙНХ сиз беморлар гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги $p<0.05$.

ҚД2 тури ва ОЙНХ бўлган беморлар гуруҳида қондаги нахорги глюкоза даражаси ҚД тури ва ОЙНХ сиз бўлган беморларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлиб, мос равишда 14.2 ± 0.7 ммоль/л ва 11.7 ± 0.5 ммоль/л ни ташкил қилди ($p < 0.001$).

Беморларнинг қон таҳлиллари доирасида умумий холестерин даражаси аниқланди. ҚД2 тури ва ОЙНХ мавжуд беморларда умумий холестерин (УХС) даражаси 5.9 ± 0.1 ммоль/л ни ташкил қилди, ҚД2 тури ва ОЙНХ сиз бўлган беморлар гуруҳида эса бу кўрсаткич 4.8 ± 0.2 ммоль/л бўлди. ҚД2 тури ва ОЙНХ бўлган беморларда УХС даражасининг статистик жиҳатдан 1.2 баробар юқори эканлиги аниқланди ($p < 0.05$).

ҚД2 тури ва ОЙНХ мавжуд беморлар гуруҳида триглицеридлар (ТГ) даражаси 2-гуруҳга (ҚД2 тури ва ОЙНХ сиз) нисбатан ишончли даражада юқори бўлиб, 2.1 ± 0.04 ммоль/л ни ташкил қилди, 2-гуруҳда эса бу кўрсаткич 1.65 ± 0.03 ммоль/л бўлган ($p < 0.001$) (2-жадвал).

Биз ўтказган тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, 1-кичик гуруҳ (ҚД2 тури ва ОЙНХ билан) беморларида юқори зичликдаги липопротеид кўрсаткичи ишончли равишда паст бўлиб, 0.8 ± 0.02 ммоль/л ни ташкил қилди. 2- кичик гуруҳ (ҚД2 тури ва ОЙНХ сиз) беморларида эса ушбу кўрсаткич 1.5 ± 0.07 ммоль/л га тенг бўлган ($p < 0.001$).


ҚД2 тури ва ОЙНХ бўлган беморларда паст зичликдаги липопротеид (ПЗЛП) даражаси (3.7 ± 0.1 ммоль/л), ҚД2 тури ва ОЙНХ сиз бўлган беморларга (3.3 ± 0.1 ммоль/л) нисбатан 1.1 баробар юқори эканлиги аниқланди ($p < 0.05$). Гуруҳлар ўртасида липид спектрининг юқоридаги кўрсаткичи бўйича фарқлар ишончли аҳамиятга эга бўлган ($p < 0.05$).

ҚД2 тури ва ОЙНХ бўлган беморлар гуруҳида ҚД2 тури ва ОЙНХ сиз беморларга нисбатан атерогенлик коэффциенти (АК) даражаси 2.6 баробар юқори экани аниқланди ($p < 0.001$). АК ўртача даражаси мос равишда 6.6 ± 0.2 у.е ва 2.5 ± 0.2 у.е ни ташкил қилди (2-жадвал).

Тадқиқотимиз давомида оёқларнинг йирингли-некротик хасталиги мавжуд 58 нафар 2-тур қандли диабетли беморларда оёқдаги йирингли-некротик жараённинг локализациясини таҳлил қилганда 19.0% беморларда (58/11) панжа соҳаси чуқур флегмонаси, 12.1% (58/7) беморларда бош бармоқ ва панжа дистал гангренаси, 31.0% (58/18 та) беморларда бош бармоқ гангренаси ва панжанинг чуқур флегмонаси биргаликда келганлиги, 8.6% беморларда оёқ панжаси бармоқлари гангренаси аниқланди. Бу турдаги патологик жараёнлар беморларда бошқа касалликларга қараганда кўпроқ учраганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга 5 та беморда (8.6%) болдир соҳаси флегмонаси, 2 та ҳолатда товон ва болдир соҳаси гангренаси, 3 та беморда товон соҳаси гангренаси ривожланганлиги кузатилган ҳамда 12.1% ҳолатларда оёқ панжаси бармоқлари ва товондаги чегараланган маҳаллий қуруқ некрозлар аниқланди.

Тадқиқот натижасида, олинган маълумотларга кўра, беморларнинг 27.6% қисмида (58/16) йирингли некротик жараёнлар сабабли йирингли ўчоқларни очиш ташрихи ва очик даволаш тадбирлари ўтказилган (1-расм).



1-расм. Текширилган беморларда ўтказилган оператив даво турлари.

Натижаларни таҳлил қилиш жараёнида, ушбу операциялардан 16 нафар (27.6%) беморнинг оёғида йирингли учокни очиш каби аралашувлар, кўпинча бу беморларда оёқ панжаси чуқур флегмонасини (16/11 таси; 68.8%), болдир соҳаси флегмонасини очиш (16/5 таси; 31.2%), шу билан бирга 12 нафар беморда (20.7%) бош бармоқ ампутацияси ва панжанинг чуқур флегмонасини очиш операциялари амалга оширилди.

Ушбу беморлар контингентининг 8.6% да (58/5) бармоқлар экзартикуляцияси, 12.1% да (58/7) оёқларнинг панжанинг соҳасидан ампутацияси, 12.1% да (58/7) оёқни болдир соҳасидан ампутацияси, 6.9% да (58/4) оёқни сон соҳасидан юқори ампутацияси амалиёти бажарилди (1-расм).

7 нафар беморларда (12.1%) оёқ панжаси бармоқлари ва товонда чегараланган кичик маҳаллий қуруқ некрозлар кузатилган. Шу сабабли уларда консерватив даво муолажалари давом эттирилган. Шу билан бирга, 20.7% ҳолларда (58/12) минимал инвазив эндоваскуляр аралашув (балонли ангиопластикаси - БАП) амалга оширилди.

Тадқиқот натижасида, олинган маълумотларга кўра, беморларнинг 8.6% қисмида “кичик” жаррохлик амалиётлари, яъни йирингли некротик жараёнлар сабабли бармоқларнинг экзартикуляцияси ташрихи ўтказилган.


Шулар жумласидан, ўтказилган оператив даво натижаларига қарамасдан, 2та беморда болдир соҳасида ва 1 та беморда сон соҳасидан ампутация қилиш каби такрорий операциялар ўтказилган.

Диссертациянинг «Қандли диабет билан оғриган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари ривожланишини ўрганишда ўтказилган молекуляр-генетик тадқиқотлари натижалари» деб номланган тўртинчи бобида асосий ва таққослаш гуруҳларида NOS3 (C-786T), PPARG2 (Pro12Ala), SOD2 (T58C), SOD2 (T60S), SOD2 (Ala16Val) полиморфизмларининг аллеллик ва генотипик вариантлари ва GSTM1 гени делециясининг учраш частотасидаги фарқларни ҳамда ушбу генетик

маркерларнинг ҚД2 тури билан оғриган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари ривожланишидаги ҳамда клиник кечишидаги ўрни ва прогностик самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

Назорат гуруҳи ва беморларнинг ўрганилаётган гуруҳлари намуналари генотипларнинг ассоциатив таҳлили "case-control" дизайни ёрдамида амалга оширилди. Ўрганилган генотип частоталари Харди–Вайнберг мувозанатига мос келадиган бўлса, асосий гуруҳ беморлари ёки соғлом одамлар учун репрезентатив ҳисобланган.

Асосий гуруҳ беморлари билан таққослаш гуруҳи намуналаридаги NOS3 гени C-786T полиморфизми аллел ва генотипларини тарқалиш даражасини қиёсий таҳлиliga қарасак, асосий гуруҳ беморларида нохуш C аллель учраши бўйича таққослаш гуруҳи ўртасида фарқ сезиларли равишда (1.7 баравар) ошиши билан тавсифланади (29.6% қарши 19.9%; $\chi^2=5.1$ $p=0.03$; OR=1.7; 95%CI:1.07-2.68). Асосий гуруҳ беморларида гомозиготли мутант C/C генотипини учраш ҳолатларининг референс гуруҳига қараганда 2.2 баравар кўпайиши (12.6% нисбатан 6.1% га; $\chi^2=2.5$; $p=0.2$; OR=2.2; 95%CI:0.82-5.96) бизга ҚД2 тури ва унинг асорати бўлган оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини пайдо бўлиши ва ривожланиши хавфининг ортиши билан боғлиқлик тенденцияси мавжудлигини тасдиқлайди (2-расм).



2-расм. Беморларнинг асосий ва назорат гуруҳида NOS3 гени C-786T полиморфизми генотипларининг тарқалиши.

Шу билан бирга, таққослаш гуруҳида ижобий T аллелининг ишончли ошиши кузатилди ҳамда бу кўрсаткич асосий гуруҳ беморларига нисбатан мос равишда 1.1 баробар юқори кўрсаткични ташкил этди (80.1% нисбатан 70.4% га). Ёввойи T/T генотипининг учраш частотаси таққослаш ва асосий гуруҳлар орасида мос равишда 66.3% ва 53.4% ни ташкил этди ($\chi^2=3.5$; $p=0.1$; OR=0.6; 95%CI:0.334–1.03) (2-расм).

Таққослаш гуруҳида беморларнинг умумий гуруҳига нисбатан ижобий Т аллелнинг сезиларли равишда ортиши унинг ҚД2 тури ва унинг асорати бўлган оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини ривожланишидаги потенциал ҳимоя таъсирини кўрсатади ($\chi^2=5.1$; $p=0.03$; $OR=0.6$; 95% $CI:0.37-0.93$).

Кейинги босқичда кичик гуруҳдаги беморлар (ҚД2 тури ОЙНХ билан ва ҚД2 тури ОЙНХ сиз) ва таққослаш гуруҳи намуналари ўртасидаги NOS3 гени C-786T полиморфизми аллел ва генотипларини тарқалиш даражасидаги фарқларни қиёсий таҳлил қилдик.

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, оёқларнинг йирингли-некротик хасталиклари кузатилмаган ҚД2 тури мавжуд беморлар ҳамда референс гуруҳлари ўртасида NOS3 гени C-786T полиморфизмининг аллел ва генотипларининг тарқалиш даражасидаги фарқлар статистик ишончли бўлмади ($\chi^2<3.84$; $p>0.05$).

Шу билан бирга, ҚД2 тури ОЙНХ билан оғриган беморларнинг кичик гуруҳи ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги NOS3 гени C-786T полиморфизмининг генотипларининг тарқалиш частотасидаги аҳамиятсиз фарқларга қарамай, юқоридаги ўрганилаётган генетик маркернинг гетерозигот C/T ҳамда мутант гомозигот C/C генотипларининг мавжудлигида ҚД2 тури билан оғриган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини ривожланишига кучли тенденция борлиги кузатилди ва ушбу генотиплар аниқланганда юқорида айтиб ўтилган беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини шаклланиш эҳтимоли таққослаш гуруҳига нисбатан 1.6 ва 2.8 мартга юқори эканлигини кўриш мумкин ($\chi^2=1.8$; $p=0.2$; $OR=1.6$; 95% $CI:0.81-3.2$ ва $\chi^2=3.7$; $p=0.1$; $OR=2.8$; 95% $CI:0.98-8.09$).

Текширилаётган кичик гуруҳларда NOS3 гени C-786T полиморфизми генотипларининг тарқалиш частоталари ўртасида ишончли фарқ аниқланмади ($\chi^2<3.84$; $p>0.05$). Шунга қарамасдан, C/C мутант ва C/T гетерозигот генотиплар аниқланганда ҚД2 тури бор беморларда оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини келтириб чиқаришга суёт мойиллик эҳтимоли $OR=1.9$ ($CI_{95\%}:0.55-6.47$) ва $OR=1.5$ ($CI_{95\%}:0.65-3.46$) бўлганлиги кузатилди ва бу генотиплар ҚД2 тури мавжуд беморларда юқоридаги асоратларни ривожланиш хавфи ортишининг муҳим детерминанти ҳамда касаллик кечишининг салбий прогностик омили эканлиги аниқланди.

Натижалар таҳлили ҚД2 тури ОЙНХ билан оғриган беморларда PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизмининг мутант Ala/Ala генотипининг учраши назорат гуруҳига нисбатан ишончли кўпайишини кўрсатди (6.9% беморлар гуруҳида ва 1.0% назорат гуруҳида). Нисбат коэффицент бўйича нохуш Ala/Ala генотипи учраганда ҚД2 тури мавжуд беморлар гуруҳида оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини ривожланиш хавфи 7.2 марта ошади ($\chi^2=4.1$; $p=0.05$; $OR=7.2$; 95% $CI:1.05-48.98$). Шу сабабли бу генотипни юқоридаги патологик ҳолат ривожланиши хавфини прогностик мезони сифатида қабул қилиш мумкин (3-жадвал).

**ҚД2 тури ОЙНХ билан оғриган беморлар ва таққослаш гуруҳи
намуналаридаги PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизмининг аллел ва
генотипларининг тарқалиш даражасининг қиёсий таҳлили.**

Аллел ва генотиплар	Текширилган аллеллар ва генотиплар сони				χ^2	p	OR	95%CI
	ҚД2 тури ОЙНХ билан		Тақослаш гуруҳи					
	n	%	n	%				
Pro	95	81.9	169	86.2	1.0	0.40	0.7	0.39 - 1.35
Ala	21	18.1	27	13.8	1.0	0.40	1.4	0.74 - 2.58
Pro/Pro	41	70.7	72	73.5	0.1	0.80	0.9	0.42 - 1.79
Pro/Ala	13	22.4	25	25.5	0.2	0.70	0.8	0.39 - 1.81
Ala/Ala	4	6.9	1	1.0	4.1	0.05	7.2	1.05 - 48.98

Бироқ, PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизмининг аллеллар ва генотипларининг тарқалишида ўрганилаётган ҚД2 тури ОЙНХ сиз ҳамда таққослаш гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар аниқланмади ($\chi^2 < 3.84$; $p > 0.05$). Шу билан бирга, ҚД2 тури ОЙНХ билан оғриган беморлар гуруҳида ҚД2 тури ОЙНХ ги мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳи билан таққослаганда, PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизми Ala/Ala ноҳуш генотиби частотасининг сустр тенденцияда ортиши қайд этилди. Ҳисобланган OR га кўра, салбий Ala/Ala генотипининг ташувчиларида ҚД2 тури мавжуд беморлар гуруҳида оёқларнинг йирингли-некротик хасталикларини шаклланиш хавфи, мазкур генотип аниқланмаган беморларга қараганда 3.3 марта юқори эканлиги аниқланди (6.9% қарши 2.2%; $\chi^2 = 1.2$; $p = 0.3$; OR=3.3; 95% CI:0.39-27.02).

Шундай қилиб, PPARG2 генининг Pro12Ala полиморфизми ноҳуш Ala/Ala генотиплари частоталари тақсимлаш бўйича тадқиқотимизда аниқланган фарқланишлар ушбу гомозигот генотип ҳамда ўрганилаётган патологияларнинг жадаллашиши хавфи орасида боғлиқлик борлигини кўрсатди.

